

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta


Строитель Узбекистана

f UZBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев
жорий йил 23-24 июнь кунлари
Россия Федерацияси Президенти
Владимир Путиннинг таклифига биноан
амалий ташриф билан
Москва шаҳрида бўлади.

Ташрифнинг биринчи кун дастурига мувофиқ, олий даражада икки томонлама музокаралар ўтказиш режалаштирилган. Кўп қиррали Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигининг долзарб масалалари қўриб чиқилади.

24 июнь кун давлатимиз раҳбари фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирларда иштирок этади.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
22 июнь куни Қозоғистон Республикасининг
Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон
орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Элбоши Нурсултон Назарбоевга тез орада тузалиб кетишини, мустақкам соғлиқ ва куч-қувват тилади.

Мулоқотда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг жадал ривожланаётган икки томонлама муносабатлари ва иқтисодийётига пандемия оқибатларининг салбий таъсирини камайтириш борасида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан биргаликда қўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бу борадаги саяё-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни янада кучайтириш муҳим экани таъкидланди.

Кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва

стратегик шериклик тамойилларига асосланган Ўзбекистон – Қозоғистон амалий ҳамкорлиги изчил кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро манфаатли алоқаларнинг устувор йўналишларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ундан ортиқ янги лойиҳани амалга ошириш назарда тутилаётган саноат кооперациясини мустақкамлаш бўйича «йўл харитаси» маъқулланди.

Бўлажак учрашув ва тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига тинчлик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

ЎзА.

БУГУНГИ СОНДА:

STOP!
CORONAVIRUS



ҲАММАНИ ҲАДИККА СОЛГАН ВИРУС

ёхуд аҳолини ижтимоий қўллаш
учун қўрилган чора

3

БУНЁДКОРЛИК

аҳоли турмуш фаровонлигига
хизмат қилмоқда



4



Рақамли технологиялар маркази

Марғилон шаҳрида фойдаланишга топширилган Рақамли технологиялар маркази ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадига йўналтирилган.

Бу ерда электрон ахборот ресурс маркази, 60 ўринли анжуманлар зали, музокаралар хонаси, видео студия жой олган бўлиб, ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбир-

корлик асосларини ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда самарали механизмларини яратиш, компьютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва

киберспорт асосларини ўргатиш йўлга қўйилган.

Ёшлар ўртасида рақамли кўникмаларни шакллантириш ҳамда «Бир миллион дастурчи» лойиҳасини амалга ошириш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд.

Ёшлар, тадбиркорлар ва хунара ўрганиш истагидаги бўлганлар марказда ахборот технологияларини ўзлаштириб, дастурий маҳсулотлар яратиши ҳам мумкин.

Марказда йил давомида 2 мингдан ортиқ мутахассисларни тайёрлаш имкони мавжуд.

Суратларда: Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар марказида.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган суратлар.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ замонавий биноларда кўрсатилмоқда

Карантин чекловлари бироз юмшатилаётган шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари яна давом эттирилиб, замонавий ва кўркам қиёфадаги бинолар аҳоли ихтиёрига топширилмоқда.



Батафсил 2-саҳифада.

Иш билан таъминлаш КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРАДИ

Камбағалликни қисқартиришда ҳудудий секторлар томонидан кўрилатган амалий чора-тадбирлар яхши самара бераётир. Бунинг жиъдаси вилоятнинг Бахмал тумани давлат солиқ инспекцияси масъул бўлган тўртинчи секторга қарашли 7 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда «Саховат ва кўмак» ҳаракати эълон қилинганидан сўнг сектор ҳудудидида 7 минг 642 та оиланинг турмуш шароити, даромад манбаи ўрганилиб, улардан 378 таси эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож эканлиги аниқланди. Секторда тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу оилаларнинг моддий аҳолининг тиклаш учун олиб борилаётган амалий ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Камбағал оилалар рўйхати шакллантирилган, биринчи навбатда карантин даврида қийналаётган энг ноқарор фуқароларга кўмак берилди. Бу оилаларга озик-овқат, дори-дармон, коммунал тўловлар бўйича 415 миллион сўмдан зиёд ёрдам кўрсатилди. 150 нафар фуқаронинг 15 миллион сўмга яқин солиқ қарадорлиги ҳоми тadbirkorлар томонидан тўлаб берилди. Умуман, сектор ҳудудидидаги 378 та кам таъминланган оилани иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга 261 нафар тadbirkor ва фермер жалб қилинган.

– Бугунги қийин даврда бу каби қўллаб-қувватлашлар жуда зарур албатта, – дейди тўртинчи сектор раҳбари, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Хусниддин Соатов. – Аммо «қўлдан берганга куш тўйма» дегандек, вақти билан кўрсатиладиган хайрия, мурувват ёрдами муҳтожликка барҳам беришнинг асосий йўли эмас. Шу боис камбағалликни камайтиришнинг самарали йўли бўлган одамларни ишли қилиш, уларга даромад қилиш имкониятини яратиб беришга эътибор қаратаётимиз. Шу мақсадда рўйхатга олинган оилалардаги 433 нафар киши мавсумий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, соғин сигир, ишлаш учун ер майдонларининг берилиши ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи тиклашда манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Туманинг «Узунбулоқ», «Боғишамол» ва «Ўсма» фуқаролар йиғинла-

ри ҳудудидида 3 та узумчилик кооперативи ташкил этилиб, аъзоларига 50 сотихгача ер берилди. Бундан ташқари, ишлаш истагида бўлган 118 нафар фуқарога 50 сотихдан ер майдони ажратилди. Шу кунларда ғалладан бўшаган майдонлар такрорий экин экиш учун эҳтиёжмандларга бўлиб берилаяпти. Ногиронлиги бор ва ўта ноқарор оилаларнинг ерини ҳайдаш, уруғлик билан таъминлашни фермерлар ўз зиммаларига олмоқда.

– Туман тўртинчи сектори ташаббусига биноан ташкил этилган кооперативимизда 80 нафар эҳтиёжманд фуқаро иш ва даромад билан таъминланди, – дейди «Бахмал дехқон ҳўжаликлари» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Шухрат Курбанов. – Уларнинг ҳар бирига 20 сотихдан ер майдони ажратилиб, жами 266 тул узум қўчати ва оралик майдонга дуккаки экинлар экиб берилди. Суғориш учун 1 та артезиан қудуғи қазилди. Узум 2-3 йил ичида ҳосилга кирса, эҳтиёжманд оилаларнинг доимий даромад манбаига айланади.

Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат заنجирини яратишга, деир, қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ушбу кооператив 2020-2021 йилларда ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ер участкаларида янгидан барпо этилган бўис ер майдони учун беш йил давомида ижара тўловининг «ноль» ставкасини қўллаш имконига эга бўлади.

Секторда ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда «Ҳар бир ёшга бир гектар» лойиҳаси асосида туман ҳокими қарори билан 475,7 гектар ер майдони ажратиб, 448 нафар ёш кишлоқ ҳўжалиғида иш билан банд қилинди.

Ишсиз ёшлар рўйхатига кири-

худудларда, хорижда ишлаб, тирикчилигини ўтказиб юрган, имконият яратилса, шу ерда тadbirkorлик қўлидан келадиганлар йўқ эмас. Ўсмалик 27 ёшли Озодбек Халилов Россия Федерациясига мавсумий ишлаш учун қатнар эди. Карантин пайти мавсумий ишлашдан маҳрум бўлган йигитнинг оиласи даромадсиз қийналиб қолди.

– Маҳалламиз учун масъул бўлган тўртинчи секторга тadbirkorлик фаолиятини бошлашда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдим, – дейди бугунги кунда «Оқтош биллур» МЧЖ раҳбари Озод Халилов ЎЗА муҳбири Тошкул Бекназаров билан суҳбатда. – Сектор раҳбарияти менинг бизнес режам билан қизиқиб, кредит ажратилишида, Ўсма шаҳарчасидаги ташландиқ бинони «ноль» қийматда олишимга ёрдам кўрсатди. Банкдан 500 миллион сўм кредит олиб, ободонлаштирдик. Натжидада бу ерда замонавий сервис тури – келин-куёвлар учун фотосессия хизмати йўлга қўйилди. Илгари туманимизда хизматнинг бу тури йўқлиги боис одамлар Жиззах шаҳрига борарди. «Magnum» фотосалонида 10 та иш ўрни яратилди. Яқин кунларда бинода кафе ва сартарошонхона ишга тушириб, яна бир нечта иш ўрни очамиз.

Шундай ташаббускор ёшлардан яна бири 28 ёшли Абдор Маннонов «Oqtoosh Builder invest» масъулияти чекланган жамиятини очиб, ўзи тенги 4 нафар йигитни иш билан таъминлади. Корхонада пишқир гишт ишлаб чиқарилаяпти. Бунинг учун Абдорга банкдан кредит олиш, гишт ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилиш ва ер майдонини ажратишда сектор томонидан кўмак кўрсатилди.

26 ёшли Шарофиддин Абдусаломов ҳам «Firdavs Apple» МЧЖни ташкил этиб, шлакоблок гишт ишлаб чиқаришга киришди. Жамиятда 4 та иш ўрни яратилди.

Бугунги кунга қадар жами 781 нафар ишсиз ёшлар бандлиги таъминланди. Жумладан, қурилиш соҳасига 14, тadbirkorлик йўналишига 16, кишлоқ ҳўжалиғи йўналишига 448, жамоатчилик ишларига 88 нафар, бошқа соҳа ва йўналишларга 215 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди.

Бандликка қўмаклашиш жамғармаси томонидан ажратилган 15 миллион 400 минг сўм субсидия ҳисобига туман бўйича жами 7 нафар ишсиз ёшнинг шахсий томорқаларида бандлиги таъминланди.

«Ҳар бир оила – тadbirkor» лойиҳаси доирасида тумандаги тижорат банклари томонидан 20 та лойиҳа учун 559 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиб берилди.

Давлатимиз томонидан пандемия даври қийинчиликларини юмшатиш, аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий сиёсат ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани натижасида туманда янги иш ўринлари, одамларнинг даромад манбалари кўпаймоқда. Демак, камбағаллик камаймоқда.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ замонавий биноларда кўрсатилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, Фарғона туманида замонавий Давлат хизматлари маркази биносининг фойдаланишга топширилиши ҳудудда истиқомат қилаётган фуқаролар учун муносиб туҳфа бўлди.

Аваллари Фарғона тумани Давлат хизматлари маркази ҳодимлари эски, давлат стандартларига мутлақо жавоб бермайдиган шароитсиз бинода фаолият юритишларига тўғри келган. Бунинг устига аввалги бино қатнов ноқулай бўлган ҳудудда жойлашгани сабабли фуқаролар туман марказидан анча вақт пийда йўл босиб ўтишларига тўғри келарди. Давлат хизматлари марказининг янги биносига эҳтиёж катта бўлганлиги туфайли аҳолининг тез ва сифатли хизмат олишларига қўмаклашиш мақсадга қулай, шинам бўлган янги бино 8 ой давомида қурилиб, барча техника воситалари, мебель жиҳозлари билан таъминланди.

– Қурилиш учун 860 квадрат метрлик майдон ажратилган, лойиҳага мувофиқ, давлат бюджетидан 2 миллиарддан ортиқ маблагъ эвазига бунёдкорлик ишларини 2019 йилнинг ноябрь ойида бошлагандик, – дейди «Водил Сардор ишон» хусусий корхонаси раҳбари Қиличбек Маҳкамов. – Қурилиш жараёнларига техникалар, 30 нафардан ортиқ малакали қурувчи-муҳандислар жалб этилди. Бинонинг мустаҳкам бўлиши ва ўз вақтида фойдаланишга топширилиши устидан қатъий назорат чоралари амалга оширилди. Маҳаллий тadbirkorларимиз томонидан ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланишга ҳаракат қилидик.


Фарғона туманида қад ростлаган Давлат хизматлари марказида эндиликда санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда аҳоли мурожаатлари юзасидан саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Мар-



рини ганчкорлик нақшлари билан безатдик, ҳодимлар хоналари деворлари эса қадимий усулда, яъни махсус тоқчалар тарзида қурилди. Бугунги кунда улар риштон кулчиликнинг ноёб намуналари билан безатиб қўйилган.

Айни вақтда Фарғона туманида 212 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туман иқтисодиёти мева-сабзавот, чорвачилик, боғдорчилик, озик-овқат, вносаноат, электротехника, қурилиш материаллари ҳамда туризм соҳаларига ихтисослашган. Шу боисдан давлат хизматлари олишга бўлган талаб бирмунча юқори. Марказ орқали аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига 2020 йилнинг ўтган 5 ойи давомида 19 400 та хизмат кўрсатилди. Янги бинода аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада ошиб, бу кўрсаткичлар сони икки баробарга ортиши кутилмоқда.

Республикамизнинг ҳар бир ҳудудидида амалга оширилаётган улкан янгиланишлар халқимизнинг фаровон яшашини таъминлашга қаратилган. Айниқса, бунёд бўлаётган ижтимо-



казда бир вақтнинг ўзида 15 нафар, бир кунда эса 550 нафар фуқарога хизмат кўрсатилди. Миллий дизайн ечимлари асосида қурилган кенг ва ёруғ хоналар, кутубхона, болалар майдончаси, бук-кафе, инвесторлар хонаси, инфоленд миқозларнинг хизматлар билан боғлиқ ҳар қандай масалалари ижобий ҳал этилиши учун шай ҳолатга келтирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яратиш, инвесторларни жалб этиш, тadbirkorларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда марказда тadbirkorлик субъектлари учун ҳам барча қулайликлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир қабулхонаси, инвесторларга хизмат кўрсатиш учун махсус жойларнинг ажратилгани фикримиз тасдиғи. Шунингдек, фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш бурчаги, кутубхона, кутубхона, тиббиёт хонаси, Е-аукцион хоналари ва улардаги замонавий жиҳозлар аҳоли ихтиёрида. Фарғона вилоятида эндиликда бу каби давлат хизматлари марказининг бинолари 13 тага етди. Янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган мазкур объект барча учун қулай ҳудудда, замонавий архитектура ва меъморий дизайнга асосланган ҳолда бунёд этилган.

– Бинонинг қурилиш жараёнларида миллий услубларни замонавийликка уйғун ҳолда қўллашга ҳаракат қилдик, – дейди суҳбатдошимиз. – Объект пишқир гиштдан қурилган сабаб, қишда иссиқни, ёз фаслида эса салқинликни барқарорлаштириб туради. Кириш йўлагининг кенлиги ва ёруғлигини таъминлаш мақсадида ёрқин ранглардан фойдаландик. Чунки, бинонинг фойе киши кенг ва ёруғ бўлса, таширф буюрган ҳар қандай кишининг кўнгли ярайди, кайфияти кўтарилади. Бинонинг айрим қисмла-

мой соҳа объектлари аҳолига қулай турмуш шароитини яратишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Қадимий ва ҳаммиса навқирон Самарқанд ҳам бугун улкан бунёдкорликларга юз тутган. Яқинда самарқандликлар учун яна бир муносиб туҳфа ҳозирланди. Бир вақтнинг ўзида вилоятнинг Пастдарғом ва Нарпай туманларида Давлат хизматлари марказларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Пастдарғом тумани аҳолиси сони жиҳатидан ҳам, ер майдонларининг кенлиги бўйича ҳам ҳудуднинг энг катта туманларидан бири ҳисобланади. Жума шаҳарчасининг марказида ўзгача қиёфа касб этиб, барпо этилган муҳташам бинода эндиликда аҳолига сифатли ва самарали бўлган давлат хизматлари кўрсатилади.

Бугунги кунда республикамиз Давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига 130 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатиб келинади, жорий йил якунига қадар эса хизматлар сонини 160 тага етказиш кўзда тутилган. Хизмат кўрсатиш турлари кенгайиб бориши натижасида аҳолининг бу каби марказларга бўлган эҳтиёжи ҳам ортади. Шу сабабли, янги, замонавий, инновацион, таширф буюрувчилар учун барча қулайликларни ўзида мужассам этган биноларни барпо этиш бугунги кун талабига айланган.

Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Нуробод, Қўшрабод, Самарқанд, Иштихон, Каттақўрғон тумани ҳамда Каттақўрғон шаҳарларида замон талабларига мос, барча қулайликларга эга Давлат хизматлари марказлари бинолари қурилиб, ўз фаолиятини юритаётгани ҳудуд аҳолисининг давлат хизматларини олишдаги юмушларини бирмунча енгиллаштирди.

– Пастдарғом тумани Давлат хизматлари маркази биносининг қурилиш ишлари ўтган йили бошланган эди, – дейди «Mash'al Trans Servis»

МЧЖ раҳбари Абдор Элмуродов. – Пандемия сабаб ишлар маълум фурсат тўхтаб қолган бўлса-да, вазият юмшатилиб, руҳсат берилгач, яна қурувчи-усталаримиз билан ишимизни давом эттиришга киришдик ва ҳар томонлама жаҳон андозаларига мос келадиган 2 қаватли янги марказ биносини қурилишини якунладик.

– Дарҳақиқат, Пастдарғом туманига яқин орада таширф буюрмаган одамнинг ишонгиси келмайди, – дейди марказ директори Бахтиёр Сувонов. – Жума шаҳарчаси том маънода бунёдкорлик, қурилиш майдонига айланди. Янги марказ биносидида эндиликда миқозларга хизмат кўрсатишда барча қулайликлар мужассам. Замон андозаларига мос ва барча электрон техник воситалари билан таъминланган ушбу бинода эндиликда халқимиз учун хизматни давом эттирамиз. Жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар туман Давлат хизматлари марказида аҳолига жами 10 747 та давлат хизмати кўрсатилиб, 479 нафар яқка тартибдаги тadbirkorлар ҳамда 326 та юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилди.

Нарпай туманидаги Давлат хизматлари марказининг янги биноси 1 қаватдан иборат бўлиб, у «InterGroupNarpay» МЧЖ қурилиш фирмаси томонидан бунёд этилди. Марказга таширф буюраётган фуқароларнинг карантин даврида белгиланган тартиб-қоидалар асосида марказга киритилиши қатъий назоратга олинган. Зарурий антисептик воситалар билан таъминланган марказда масофа сақланган ҳолда миқозларга хизматлар кўрсатишмоқда.

– Бугунги кунда Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бизнинг қурилиш фирма ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, – дейди, «InterGroupNarpay» МЧЖ раҳбари Ҳабиб Ризаев. – Замон талабларидан келиб чиқиб ишланган лойиҳада бинонинг кенлиги ва ёруғлиги, жойлашуви ҳисобга олинган. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур барча хоналар ташкил этилди.


Фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини кенгайтириш мақсадида Зомин туманида ҳам замонавий қурилишга эга бўлган Давлат хизматлари марказининг янги биноси қад ростлади. Туман аҳолиси кўркам, янги қурилган масканда ўз масалалари юзасидан мутахассисларга мурожаат қилишлари мумкин. Санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ҳодимларнинг хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилган.

– Ушбу давлат хизматлари маркази биноси барча учун қулай ҳудудда, замонавий архитектура ва меъморий дизайнга асосланган ҳолда «Techno feignit» МЧЖ бунёдкорлари томонидан қурилди, – дейди ДХА Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи Баҳром Умурзоқов. – Зомин тумани ДХМ биноси давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳозиргача вилоятнинг 5 та туманидаги Давлат хизматлари марказлари ана шу каби кўркам ва қулай биного эга бўлди. Яна етти та туманда марказ бинолари қурилиши давом этмоқда.

Айни вақтда Зомин туманида 164 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туман Давлат хизматлари маркази орқали аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига 2020 йилнинг ўтган 5 ойи давомида 6 074 та хизмат кўрсатилди. Янги бинода аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада ошиб, бу кўрсаткичлар сонини икки баробарга кўтариш кўзда тутилган. Шунингдек, аҳолига яна бир қулайлик яратиш мақсадида жорий йилда ДХМнинг Даштбод филиали ўз фаолиятини бошлади.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.

«Ақлли» газ ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда



Барча соҳалар қатори газ таъминоти тармоғида ҳам чуқур таркибий ислоҳотлар олиб борилаётгани аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Табиий газни бошқариш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимининг жорий этилиши ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Жорий йилнинг май ойидан бошлаб Навоий вилоятида ҳам ана шундай замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари бошланди. Хусусан, вилоятда табиий газдан фойдаланувчи 152 минг 559 нафар аҳоли истеъмолчилари мавжуд бўлиб, жорий йил май ойидан 2021 йил якунигача барча истеъмолчиларга газ ҳисоблагич ускуналари ўрнатилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача хонадонларга 500 дан ортиқ ҳисоблагич ўрнатилди.

– Кармана туманининг «Қалдирғоч» массивида ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари якунланиб, истеъмолчиларга унинг қулайлиги, афзалликлари ҳақида маълумот-

лар тақдим этилаяпти, – дейди «Худудгаз Навоий» МЧЖ матбуот котиби Зебо Қутлиева. – «Ақлли» ҳисоблагичларнинг истеъмолчилар учун қулайлик жиҳатларидан бири қурувдаги табиий газ ҳароратининг ўзгаришини улчаш натижасида табиий газ сарфи ҳаққонийлиги таъминланади. Ҳисоблагичларни ўрнатиш билан боғлиқ барча ишлар «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур жараён ўз ичига газ ҳисоблагичларини ўрнатиш, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш, алоқа линияларини ётқизиш ҳамда зарур телекоммуникация мосламаларини ўрнатиш кабиларни қамраб олган. Аҳамиятлиси, замонавий ускуналар аҳоли хонадонларига бепул ўрнатилади.

Ҳисоблагичларни ўрнатиш жараёнида ишчилар саломамлиги ва истеъмолчилар хавфсизлигини асраш мақсадида кўчма ётоқхона ҳам ташкил этилган. Ушбу кўчма ётоқхона овқатланиш, ювиниш ва дам олиш каби қатор қулайликларга эга бўлиб, унинг атрофида ҳар кун дезинфекция ишлари олиб борилмоқда.

Суратларда: Навоий вилоятида ҳам замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЛАЙЛАКЛАР САЛОМАТЛИК ВА ПОКЛИК РАМЗИГА АЙЛАНСИН

Бутунжаҳон аҳлини ташвиш, азиятга солган тожли вирусни бутунлай бартараф этиш мақсадида ҳар бир давлатда ўзига хос усул қўлланилиб, ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Самарқанд вилоятида аҳолини пандемия офатидан асраш, вирусли инфекцияни жиловлash, тарқалишининг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш йўллари қатъий қўлланилаётгани ўз натижасини берапти.



Самарқандда коронавирус инфекцияси биринчи марта 5 апрель куни учрагани барчанинг ҳаловатини йўқотган эди. Шунда шаҳардаги қатор шифохоналар фаолияти қайта кўрилиб, бутун эътибор эпидемиолог вазиятни юмшатиш, осийишталикни таъминлашга қаратилди. Касаллик сонининг ортиб бориши, вилоятнинг «қизил» ҳудудга айланиши янада кескин чоралар кўришни тақозо қилди. Тиббиёт муассасаларининг «касби»ни ўзгартиришга киришилди, шифокорлар самарали ишлаши учун зарур шароитлар тўлиқ яратиб берилди. Рақамлар ижобий томонга силжишга ўтди.

Шубҳа остида карантинда сақланаётганлар, касалликни юқтириб, шифо топиб соғайганлар вирус хуружини энгшиш вақтинчалик «ихтисослашган» даволаш манзиллари деярли бўшаб қолди. Бу ҳолат кўнгилга анча тасалли бағишлаган бўлса-да, вазият хотиржамликка берилишга ҳали вақт эрта эканини кўрсатмоқда. Шу боисдан муҳтарам Президентимиз топшириғига асосан вилоятда махсус 1 000 ўринли карантин ҳудуди ва 100 ўринли шифохона қуришга қарор қилинди.

Айни пайтда Пастдарғом туманида жойлашган ҳарбий қисмга тегишли фойдаланилмаётган 9,36 гектар ер майдонида 1 000 ўринли карантин ҳудудини «ҳарбийларга хос» жадаллик билан барпо этишга киришганимиз, — дейди пудрат ташкилоти раҳбари

«Бунёдкор обод Паст Дарғом» ДУК директори Ақтам Бўриев. — Қурувчилар, муҳандисларимизнинг ғайрат-шижоатини кўриб завқингиз келади. Улар йирик муассасани 45 кун ичида ишга тушириш учун сира тиним билмаптилар. Очиғи, бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Қудратли техника воситалари ёрдамида тупроқ — ер жипсланиб, шағал ётқирилди, цемент ишлари ҳам авжида. Иншоотга керакли бинокорлик материаллари пешма-пеш етказиб берилмоқда. Қатор ишлаб чиқариш корхоналари, заводлар бизга яқиндан кўмаклашаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Қолаверса, вилоят раҳбарлари, мутасадди идоралар вакиллари деярли ҳар кун хабар олишиб, бегиримизни энгил қилишда ёрдамларини аяшмаяпти.

Айтиш жоизки, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти Самарқанд филиали мутахассислари томонидан тайёрланган ҳудуднинг лойиҳа қиймати 12 миллиард сўмга тенг. Ҳозирда махсус жиҳозланган 140 тадан зиёд контейнерни ўрнатиш, монтаж қилишга киришилган.

Шу ўринда бу ерда ишлаётганларни ажиб бир манзара мудом ўзига жалб этиб турганини таъкидламоқликнинг иложи йўқ. Қурилиш эгаллаган майдоннинг ўртасида қолган темир минора тепасидаги оқ лайлак ини ва у ердаги тўртта қушнинг ҳар кунги парвози уларга гўё куч-қудрат бағишлаётгандек. Самарқанд-

нинг қўл қисмидаги бу ноёб ҳодисада ҳақиқатан рамзий маъно бордир! Чунки лайлаклар истиқомат қиладиган гўшаларда ҳар доим озодалик ҳукмрон бўлган, улар табиат табиби сифатида ўлакларга қирон келтириб, атроф-муҳит поклиги, мусофоллигини таъминлашда одамларнинг яқин кўмакдошига айланган.

Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган оқ лайлаклар келгусида ҳам шу маконда яшаб қолиб, эзгулик фаришталарига айланиб, кишиларнинг дардига малҳам бағишлашини астойдил истардик. Яратувчиларнинг шижоатли меҳнати билан танишиш учун бу ерга келган вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ҳам уларни сақлаб қолиш, ноёб паррандалар эса инсонларга, айниқса беморларга тасалли бағишлаши, руҳиятини кўтаришда мададкор бўлишини таъкидлаган экан.

Самарқандликлар фақат карантин зонасини тиклаш билан кифояланиб қолмаётганини юқоридagi фикрдан англаган бўлсангиз керак, албатта. Бинобарин, шаҳар ҳудудидаги яна бир ҳарбий қисмдан бўшаган 8,9 гектар майдонда бир йўла 100 ўринли замонавий шифохона ҳам қад ростлаётгани эътиборга сазовор.

Бош пудратчи — «Бунёдкор обод Паст Дарғом» ДУКга ёлланма сифатида Восил Диев раҳбарлигидаги «Қобил қурувчи сервис» МЧЖ бинокорлари объектни тиклашда фаол қатнашмоқдалар. Карантин қодаларига риоя қилган ҳолда ишни ташкил этишгани, қурилиш материалларининг ўз вақтида етказиб берилаётгани ва яшаш, овқатланиш ҳамда дам олиш учун намунали шароит яратилгани улар меҳнатда унум бўлишини таъминлаётти. Қолаверса касалхонанинг тез фурсатда бунёд этилиши инobatга олиниб, қурилиш жараёнида замонавий ва энгил конструкциялар, сендвич панеллардан кенг фойдаланилаётти.

Хукуматимиз томонидан коронавирусдан сақланиш, инфекциянинг кенг тарқалишининг олдини олиш, касалланганларни дарддан фориғ бўлиш, соғлигини тиклаш мақсадида қурилаётган мазкур махсус шифохонада бутун иш қизигандан қизиган, — дейди бурюртмачи ташкилот вакили, вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси бош муҳандиси Суръат Қурбонов. — Бу савъ-ҳаракат замирида эса парварлишга муҳтож беморларни қўллаб-қувватлаш, уларга хайр-саховат ва мадад кўрсатишдек эзгу ният мужассам. Шу боисдан улкан бунёдкорлик юмушлари кўпчилик иштирокида рўйбга чиқарилаётгани бежиз эмас. Зеро, бу ерда нафақат қурувчилар, балки лойиҳачилар, коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари, газчилар, электриклар, сувчилар ҳамжиҳат бўлиб астойдил меҳнатга шўнғилган. Объектни сифатли ва мукаммал барпо этишда 300 нафар ишчи жонбозлик кўрсатаётгани ҳам фикримни тасдиқлайди. Мақсад эса битта — пандемияни баҳамжиҳат энгиш, халқимиз осийишталлигини таъминлашдир.

Суратда: иншоотлар қурилишдан лавҳа.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.
Саъдилла ЭРНАЗАРОВ олган сурат.

STOP!
CORONAVIRUS

ҲАММАНИ ҲАДИККА СОЛГАН ВИРУС

ёхуд аҳолини ижтимоий қўллаш учун кўрилган чора

Юртимизга коронавирус кириб келиши сабабли фуқароларда ҳадик, қўрқув, хавотир пайдо бўлди. Кимдир бор пулига бозорлик қилган бўлса, яна кимдир дорихонага югурди.

Кимдир ниманидир ғамлашга уринди. Мана неча ойдики, ушбу пандемия биз билан бирга, ёнма-ён. Иқтисодий таъминоти асраб қолиш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламни ҳимоя қилиш чоралари кўрилмоқда.

Карантин жорий қилинган илк кунларда аҳоли мурожаати учун ташкил этилган «Call-center»га бир аёл мурожаат қилди. «Ўзи ишсиз эдим. Битта ўғлим кунлик ишга чиқиб, сингилларим ва мени боқарди. Энди эса иш йўқ. Қўрқувим бор. Энди қандай яшаймиш?» — деди ва ёрдам сўради.

Юртимизда пандемия сабаб иш ўринлари вақтинча ёпилди. Кўпчилик масофавий ишлашга ўтказилди. Аҳолини эса ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш эҳтиёжи туғилди. Республика махсус комиссиясининг жорий йил 31 мартдаги баёнига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Вазирлик аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишларга бош-қош бўлди.

Ушбу марказларнинг асосий вазифаси — кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, жумладан, ишсиз ва карантин сабаб вақтинча ишсиз бўлиб қолган оилаларга озиқ-овқат ва зарур ҳолларда дори-дармон воситалари етказиб беришга қаратилди.

2 апрель — 20 май кунлари маҳалаларда шакллантирилган рўйхатлар ва «Call-center» ҳамда ҳудудий марказларга келиб тушган мурожаатлар асосида 9 минг 139 та маҳаллада истиқомат қилувчи 413 минг 72 эҳтиёжманд оилага 49 миллиард 910 миллион сўмлик Ҳомийлик хайриялари етказиб берилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги даволаш ва турмуш муассасалари, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси таркибидagi бошқа муассасаларга, Муровват уйлари ва дам олиш масканларига, Юқори Чирчиқ туманидаги ўртасарой карантин зонасига, Сирдарё вилоятининг Жардоба туманида сув тошқинидан зарб кўрган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари жамланмасаи юборилди.

«Telegram» ижтимоий тармоғи орқали 287 та, «Facebook» тармоғи орқали 414 та озиқ-овқат маҳсулоти ва дори-дармон сўраб қилинган мурожаатларнинг деярли барчаси ижобий ҳал қилинди.

Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада самарали ташкил этиш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яна бир ҳаракат — «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилди. 20 май кунини Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари ўз фаолиятини тугатиши муносабати билан қолган хайрия маҳсулотларини эҳтиёжманд оилаларга етказиб бериш мазкур Марказларнинг антикий давоми сифатида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 апрелдаги фармойишига асосан «Саховат ва кўмак» ҳаракати доирасида «Маҳалла» фонди республика бошқаруви, фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туман (шаҳар) бўлимлари ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда «Саховат ва кўмак» жамғармаси ташкил этилиб, тегишли банкларда махсус ҳисоб рақамлари очилди.

Маълумотларга кўра, «Саховат ва кўмак» жамғармасига шу кунга қадар жами 194 миллион 625 миллион сўмдан зиёд хайрия маблағлари келиб тушди. Мазкур маблағлар ҳисобидан коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилалар, якка-ёлғиз ва ногиронлар ҳамда ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган фуқаролар пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланди.

Ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилаларга, якка-ёлғиз ва ногиронлар ҳамда ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган 300 минг 383 оилага 118 миллиард 995 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Жумладан, 205 минг 646 оилага кундалик истеъмол товарлари учун 37 миллиард 860 миллион сўмлик турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари, 2 минг 822 оилага 399 миллион 531 минг сўмлик дори, ҳимоя ниқоблари, антисептик воситалар, 24 минг 619 оилага 9 миллиард 626 миллион сўмлик бошқа турдаги маҳсулотлар, 67 минг 296 оилага 71 миллиард 110 миллион сўмлик нақд пул кўринишида маблағлар берилди.

Шунингдек, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати йўлида ватандошимиз, россиялик тадбиркор Алишер Усмонов томонидан 5 миллион АҚШ доллари миқдорига «Саховат ва кўмак» жамғармасига хайрия маблағи ўтказилди. Ушбу хайрия маблағини мақсадли ва манзилли сарфлаш мақсадида Андижон, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган 19 минг 9 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали, ногирон, ёлғиз кексалар ҳамда ҳозирда вақтинча даромадини йўқотган ишсиз фуқароларга 2 миллион 500 минг сўмдан пластик картчаларига ўтказилиб, «Маҳалла» фонди ва «Миллий банк» АЖ ходимлари билан ҳамкорликда тарқатилди.

Шу билан бир қаторда, «Маҳалла» фонди томонидан «Саховат ва кўмак» жамғармасининг телеграм мессенжер расмий бот канали ташкил этилди. Ушбу бот канали орқали «Саховат ва кўмак» жамғармасига фуқаролар томонидан мурожаатлар қабул қилиниб, сектор раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ўрганилиб, ижобий ҳал этилмоқда.

«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати фаолияти давом этмоқда. Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар доимий равишда тақдим этилиб борилади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Хоразмсувқурилиш инвест» Давлат унитар корхонаси ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Янгйбозор туманидаги «Аташев» коллекторини ПК207+00, Урганч туманидаги «Юқорибоз» коллекторини ПК69+00, Шовот тумани «Давдон» коллекторини ПК171+00 даги кўприкларни реконструкция қилиш	2 573 658 007	150

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қо-

нун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан овоз қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини

ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Урганч шаҳри, П. Махмуд кўчаси, 10-уй. Тел.: 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчи-

си томонидан юқоридagi манзилда 2020 йил 6 июль кунини, соат 10.00 гача қабул қилинади.

Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин 2020 йил 3 июль кунини, соат 11.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Урганч шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси, 2-«а» уй.

Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.

ПРИГЛАШАЕМ

на участие в открытых аукционных торгах, проводимые в порядке поэтапного повышения цен!

8 июля 2020 года в 10.00 ООО «UNLIMITED BUSINESS» повторно выставляется право на заключение договора покупки объекта нежилого помещения, находящегося на первом этаже 9-ти этажного дома, **общая площадь** — 1 228,0 квадратных метров, **полезная площадь** — 884,0 квадратных метров и **подвал, общая площадь** — 1 161,0 квадратных метров, **полезная площадь** — 840,0 квадратных метров, расположенное по адресу: город Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом, 87. **Стартовая цена** — 10 692 276 000 сум.

Победитель аукциона должен оплатить 1 % от продажной стоимости имущества на счет организатора торгов.

Победителем аукциона считается лицо, предложившее самую высокую цену, но при условии, если по этой цене на основании доп. договора №1 от 27.11.2019 года, заключенным между ООО «Unlimited Business» и Министерством юстиции РУз ООО «Unlimited Business» не желает приобре-

сти объект по предложенной высокой цене победителем аукциона. В случае, если ООО «Unlimited Business» даст согласие заключения договора покупки объекта по предложенной высокой цене победителем аукциона, задаток, внесенный победителем аукциона, возвращается полностью.

Повторные аукционные торги будут проводиться 22 июля 2020 года в указанное время.

8 июля 2020 года в 11.00, Учтепинским филиалом АК «Халк банк» выставляется здание кассы №352, расположенное по адресу: Учтепинский р-н, улица Шароф, дом, 8, **общая площадь** — 30,0 квадратных метров. **Стартовая цена** — 27 275 000 сум.

Победитель аукциона должен оплатить 3 % от продажной стоимости имущества на счет организатора торгов.

Заявки от претендентов на участие в аукционных торгах будут приниматься в рабочие дни с 10.00 до 16.00 по адресу: город Ташкент, проспект Х. Алимджана, 13 «А».

Прием заявок после заключения договора о задатке и оплаты задатка приостанавливается за день до аукциона в 10.00 и в 11.00 соответственно. Победитель аукциона должен заключить договор с продавцом в течение 10 банковских дней. Повторные аукционные торги будут проводиться каждую среду в указанное время.

Принимается оплата за дополнительные услуги в размере 1 000 000 сум за каждый объект.

Претенденты, желающие участвовать в аукционных торгах, должны внести задаток в размере 15 % от стартовой стоимости здания на банковский счет организатора торгов с указанием в платежных документах наименования имущества.

Реквизиты: ООО «PRIME REALTY» р/с 2020 8000 7007 6599 0001 в АКБ «InFinBank», МФО 01041 ИНН 304 844 964.

Телефон: 99 858-01-12.
E-mail: info@primerealty.uz

Номер лицензии RR 0285.

БУНЁДКОРЛИК

аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда



Республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам кейинги йилларда улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Давлат дастурлари асосида 2019 йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан 52 та мактаб, 121 та мактабгача таълим муассасалари, 75 та тиббиёт муассасалари, шунингдек, 46 та хусусий клиникалар, 4 та спорт объектлари, 10 та ичимлик суви иншоотлари ҳамда қариялар санаторияси, болалар муруват уйи каби муассасалар барпо этилиб, уларда қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари тўлиқ якунига етказилди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастури асосида ҳудудларнинг коммунал хизматлари тизимини яхшилаш, аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида Бухоро вилояти туманларидаги 33 та қишлоқда «Обод қишлоқ» ва шаҳарлардаги 6 та маҳаллада «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 3 672 та яқка тартибдаги уй-жойлар ва 81 та кўп қаватли уйлarning том қисмида тўлиқ қурилиш ишлари

олиб борилди. Шунингдек, 7 239 та уй-жойларнинг фасад қисми, 372,3 километр автомобиль йўллари, 370,4 километр ичимлик суви тармоқлари, 353,2 километр электр тармоқлари, 116 та трансформаторлар, 127,7 километрлик табиий газ тармоқларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Аҳолига қўлай бўлиши учун унинг ахтиридан келиб чиққан ҳолда ҳудуддаги 152 та бозор инфра-тузилма объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг уй-жойга муҳтож бўлган қатлами қўллаб-қувватлаш, уларни барча зарур шарт-шароитларга эга бўлган замонавий турар жойлар билан таъминлаш масаласига

бугун катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, вилоятда бу борадаги эзгу ишларнинг амалий ифодасини 2019 йил дастурига асосан 28 та массивда жами 890 та янгиланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ барпо этилган арзон уй-жойлар қурилиши мисолида кўриш мумкин. Турар жойларнинг қурилиши самарасида ҳудуддаги жами 528 та оила 2 ва 3 хонали бўлган ўзининг шахсий хонадонига эга бўлди. 30 хонадонни ўзида жамлаган 4 та 5 қаватли 3 подъезддан ташкил топган уйларида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, улар Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари, Миллий гвардия ва ички ишлар идоралари ходимлари учун тақдим этилди. Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарорига асосан, 2019 йилда Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари учун 3 та 5 қаватли турар жойларда қурилиш ишлари якунига етказилди, фойдаланишга топширилди.

«Обод марказ» дастури доирасида вилоятнинг Қорақўл тумани марказини ободонлаштириш дастури доирасида 5 та ижтимоий соҳа объектида қурилиш, мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Туман марказидаги Давлат хизматлари маркази, маҳалла маркази, турли идораларнинг маъмурий биноларида қурилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

2020 йилда ҳам Бухоро вилоятида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бугунги кунда «Узшаҳар қурилиш инвест» ИК МЧЖ буюртмаси асосида Бухоро шаҳрида 4 та 7 қаватли 216 та хонадонли турар жойлар қурилатгани бўлиб, ушбу уй-жойларнинг 2-қаватида гишт териш ишлари якунига етказилди. Мазкур турар жойлар уй-жой шариоитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларга, меҳнат мигрантларига, ёш оилаларга ҳамда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар учун ажратилди.

Қишлоқ ҳудудларини обод қилиш, ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, замонавий уй-жойларни барпо этиш ишлари самарасида аҳоли турмуш фаровонлиги ортиб бормоқда. Бухоро вилоятида «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ буюртмасига мувофиқ 18 та 4-5 қаватли жами 444 та хонадонли уйлари қуриш режалаштирилган бўлиб, уларнинг 16 таси қишлоқ жойларида қад кўтарилди. Шунингдек, турли соҳа вакиллари учун яна 4 қаватли 24 хонадонли ва 2 та 5 қаватли 30 хонадонли турар жойларнинг қурилиш ишлари ҳам бугунги кунда жадал суръатларда давом эттирилмоқда. 2020 йилда вилоятда янги тартиб бўйича яна 1 050 та квартира қурилиши белгиланган бўлиб, уларнинг 540 таси шаҳар ҳудудида 510 таси эса қишлоқ жойларида бунёд бўлиши кўзда тутилган. Жорий йилда жами 239 та объектларда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Нагиза МИРЎҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Қашқадарё маҳаллий сайёҳларни қабул қилади



Қашқадарё вилояти жорий йил 1 июндан бошлаб маҳаллий сайёҳларни қабул қилишни бошлади.

Айни пайтда вилоятда 50 та меҳмонхона, 45 та меҳмон уйи, жами 70 га яқин жойлаштириш воситалари мавжуд бўлиб, улар бир кунда 3 минг нафардан ортиқ сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга.

Вилоятда 30 га яқин зиёратгоҳ, 42 та янги тур йўналишлари, 4 та музей, 1000 дан ортиқ археологик объект, 200 дан ортиқ тарихий ёдгорлик ташриф буюрувчиларга ўз бағрини очди. Келаётган сайёҳларга 10 нафар гид, 20 нафар туроператор хизмат кўрсатишни бошлади.

Вилоятнинг сайёҳларни энг кўп қабул қилувчи масканлари сифатида Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази, унинг таркибидаги Оқсарой мажмуаси, Абул Муъйин ан-Насафий мақбараси, Қўқғумбаз масжиди, Қалъаи Шерон дараси, Сувтушар шаршараси, Сийпантош ёдгорлиги ҳамда тоғли ҳудудлардаги зиёратгоҳларни қайд этиш мумкин.

Тегишли ташкилотлар билан олиб борилаётган тадбирлар давомида пандемиядан сўнг энг тез қайта тикланадиган йўналиш – экотуризмни янада ривожлантириш бўйича тоғли ҳудудларда, сайёҳлар билан гажум зиёратгоҳлар яқинида янада кўпроқ меҳмон уйлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Албатта, бунда мавжуд вазият – карантин ва пандемия шариоити ҳам эътибордан четда эмас. Тегишли мутасаддилар томонидан мониторинглар, меҳмонхоналар ва зиёратгоҳларнинг санитария талаблари доимо назоратда.

– Бу ердаги тошлар жуда қадимий, – дея таъкидлаган эди германиялик сайёҳ Маркус Байер Биринчи халқаро геотуризм форумида. – Бу ер юзидagi 150 дан ортиқ жойларда

учрайдиган тоғ жинсларининг энг қадимийларидан биридир.

Шунингдек, ушбу форумда Киритоб давлат геологик қўриқхонаси ва унда денгиз жониворлари ва ўсимликларининг стратиграфик кесмалари ва қадимий қолдиқларини қўриқлаш ҳамда сақлаш учун қилинаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилиб, бугунги кунда 3 минг 938 гектар майдонни эгаллаб турган қўриқхона тоғлари дунё океанидан ажралиб чиққан дастлабки қуруқлик эканига илмий асослар борлиги қайд этиб ўтилган. Ушбу макон халқаро олимлар ҳамжамияти томонидан дунё океанидан қуруқликка чиқиш жойи сифатида қайд этилгани ҳам аҳамиятлидир.

Мана шундай ноёб, дунё аҳлини лол қолдирадиган манзиллар Ўзбекистонда, хусусан, Қашқадарёда бисёр. Масалан, жорий йилдан бошлаб Ҳазрати Султон тоғи, Сувтушар шаршараси, динозавр излари ва Амир Темур ғори объектлари янги сайёҳлик йўналишларига айланганини сўзлашнинг исботидир.

Гарчи вилоятда туризм соҳасидаги бу каби кенг миқёсдаги ишларга пандемиянинг юртимизга кириб келиши сезиларли таъсир ўтказган бўлса-да, бу жараён қўллаб-қувватлаш имкониятларининг янги қирраларини очибга ўзига хос туртки бўлди. Хусусан, пандемия даврида онлайн туризм, масофавий сайёҳлик, таргиринглар, меҳмонхоналар ва зиёратгоҳларнинг санитария талаблари доимо назоратда.

– Бу ердаги тошлар жуда қадимий, – дея таъкидлаган эди германиялик сайёҳ Маркус Байер Биринчи халқаро геотуризм форумида. – Бу ер юзидagi 150 дан ортиқ жойларда

Ў. БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

Самарқанд туманидаги «Навобод насли парранда» фермер хўжалиги коронавирус пандемияси даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, юқумли вируснинг иқтисодий таъсирини юмшатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Маҳсулотга талаб катта

2020 йилда аҳолининг бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, одамларга янги даромад манбаларини яратиш борасида белгиланган тадбирлар айниқса ўзининг ижобий натижасини берапти.

– Хўжалигимизда паррандачилик учун янги омухта ем ишлаб чиқиш цехларини очмоқда, – дейди бош муҳандис Толиб Дўстмухаммедов. – Республикаимизда мазкур соҳа бўйича энг йирик ҳисобланган корхонада барча жаранлар юқори технология асосида автоматик тарзда бажарилиб, айни пайтда 20 хилдаги маҳсулот тайёрлашга эришяпмиз. Қадоклан-

ган ҳолда бежирим халталарда чиқарилаётган омухта емга талаб катталиги, хариддорлиги билан боқилгани боис дуркун ўсиб, тез ривожланаётган. Бу эса хўжалик билан ҳамкорликни йўлга қўйганлар учун яхшигина даромад келтираётганидан барча мамнун.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Оромгоҳ болалар ихтиёрида

Халқимиз азалдан меҳридарё, бағрикенг. Айниқса, ўтган давр мобайнида жабр кўрган сирдарёликларга меҳру муруват кўрсатиб, инсонпарварлик ёрдами аямади.

Дунёга машҳур Алл тоғларидан-да бетакрор, табиати гўзал, иқлими мўътадил, баҳаво Зомин тоғлари бағрида жойлашган «Олмалик КМК» АЖга қарашли «Истиклол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи айни пайтда Сардоба сув омбори ҳалокати натижасида жабрланган оилаларнинг фарзандлари ёзги таътил мавсумида мароқли дам олишлари учун ҳозирланди.

– 2020 йилнинг 12 июнь куни 160 нафар 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган сирдарёлик болаларни қабул қилиб олдиқ, – дейди оромгоҳ тарбиячиси Дилором Усанова. – Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат, миллий меросга ҳурмат» шиори остидаги бу йилги фаолиятимиз давомида карантин қоидаларига қатъий риоя қилинган. Болаларнинг оромгоҳда мазмунли ва мароқли ҳордиқ олишлари учун турли тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Ҳар бир тўғарақка масофа сақлаган ҳол-



да болалар навбатма-навбат қатнашади. Бундан ташқари, ўзида 1 300 та бадиий адабиётларни жамлаган кутубхона болалар ихтиёрида. Ёшларни жисмонан чиниқтириш мақсадида стол тенниси,

футбол, баскетбол, волейбол, шашка, шахмат, бадминтон каби спорт тўғарақлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Болалар ушбу ижодий ва спорт тўғарақларида жуда фаол.

– Синглим Дилафрўз билан оромгоҳга дам олишга келдик, – дейди Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидан Руҳшона Абдуллаева. – Менга оромгоҳда яратилган барча шароитлар ёқди. Айниқса, тўғарақлар, ташкил этилаётган саргузаштчи уйлар, тайёрланаётган мазали овқатлар, барчаси манзур келмоқда. Кўплаб дўстлар орттириб, улар билан тўғарақларда иштирок этаймиз.

Оромгоҳ директори Ўрозбой Убайдуллаевнинг таъкидлашича, Зомин тоғларидаги муссафҳо ҳаво инсон организмидан учун жуда фойдали. Зоминини Ўзбекистон Швейцарияси дея таъриф беришлари ҳам бежизга эмас. Чунки, ушбу ҳудуддаги баъзи арчалар бошқа масканларда учрамайди. Маълумотларга кўра, бу ерда эйфедра шифобаш ўсимлиги ҳам ўсиб, бундан нафас йўллари касаллигига даво бўлувчи эйфедрин дориси тайёрланади. Зоминнинг флора ва фаунаси ранг-баранг бўлиб, бу ерда 250 га яқин доривор ўсимликлар ўсади. Арчалар ўзидан инсон учун фойдали бўлган фитанци моддасини ажратди. Ўқувчилар дам олаётган оромгоҳ ана шундай гўзал бир масканда жойлашгани эътиборга молик.

Ўз мухбиримиз.

O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Қозим Туяганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магиров, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мусаххих

Дилшод Жалолов
Акмал Махкамов
Райхон Таниқуллова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (юстиция), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyudkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси – 466. Буюртма – Г-653.
2146 нусxada босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди
ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Туяганов.
ЎЗА якуни – 2140. Топширилди – 2240.